Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 18 октябрь, № 204 (5878) Жума

Ўзбекистон — Латвия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан 16-17 октябрь кунлари ушбу мамлакатда бўлди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 17 октябрь куни бўлиб ўтди.

Латвия Президенти қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Латвия ўзаро муҳим ва ишончли ҳамкор эканлиги, мамлакатларимизни кўп йиллик анъанавий ҳамкорлик ва мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туриши таъкидланди.

Қайд этиш керакки, музокаралар ёрқин воқеа билан бошланди: Ўзбекистон Республикаси Президентига Латвиянинг олий давлат мукофоти — биринчи даражали «Эътироф крести» ордени топширилди. Латвия Республикаси Президенти мамлакатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Бу бир жиҳатдан икки давлат раҳбарларининг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги улкан хизматларининг ўзаро эътирофи бўлса, бошқа томондан, муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасидаги умумий манфаатдорлик ва интилишларнинг ифодасидир.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. 1992 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларига оид қирқдан ортиқ давлатлараро шартнома ва ҳукуматлараро битимлар имзоланган.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда — парламентлар аъзоларининг ташрифлари мунтазам амалга оширилиб, қонун ижодкорлиги борасидаги ўзаро тажриба алмашиш яхши самаралар бермоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. 2012 йилда Ўзбекистон парламентида Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ташкил қилинди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам ва конструктив маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Музокаралар чоғида терроризм, экстремизм, наркотрафик каби замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишга оид масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Латвия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш борасида кўрсатаётган ёрдами, хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро коалициянинг иштирокчи давлатлари билан ҳамкорлигига юксак баҳо берди.

Томонлар кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Латвиянинг ёндашув ва позицияси ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Латвия Президентлари савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа анча узоқлигига қарамай, транспорт, жумладан, автомобилда ва халқаро ташувлар соҳасида, таълим, фан, қишлоқ хўжалиги, аккредитация ва метрология, ахборот технологиялари, туризм ва бошқа йўналишларда фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши учун барқарор шартномавий-ҳуқуқий асослар яратилган. Иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик, инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш борасида эришилган келишувлар амал қилмоқда.

Латвия — Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Энг кўп қулайлик яратиш тизими самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, бу кўрсаткич 126 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мотор мойлари, фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб беради. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса экспорт қилади, шунингдек, логистика хизмати кўрсатади.

Ўзаро инвестициявий ҳамкорлик ривожланмоқда. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фаолият юритмоқда. Латвияда эса мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қирқдан ортиқ корхона ишлаб турибди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида транспорт, илмий-техникавий, туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эришилаётган бундай улкан ютуқ ва марралар мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар, икки мамлакат ҳукуматлари вакиллари ва ишбилармон доираларининг доимий алоқаларининг муҳим самараларидир.

Ўзбекистон ва Латвия иқтисодиёт соҳасида улкан салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар бу имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Латвия тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорлардир. Мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши мумкин бўлган йўналишлар кўп. Ўзбекистон компанияларининг жорий йил сентябрь ойида ўтган «Riga Food — 2013» халқаро кўргазмасидаги иштироки натижалари ҳам бунга мисол бўла олади. Ушбу кўргазма якунларига кўра, Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини Латвия ва Европа мамлакатларига етказиб бериш бўйича 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги шартнома ва келишувлар имзоланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши бўлган транспорт соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу асосий минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида мамлакатларимиздан амалдаги транспорт йўлаклари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишни тақозо қилади.

Ўзбекистон ва Латвия қишлоқ хўжалиги, туризм, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга.

Ўзбекистон томони, шунингдек, латвиялик ишбилармонларни туризм соҳасида ҳамкорликка жалб этиш, бу борада кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашишга ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Латвия, умуман, Болтиқбўйи мамлакатлари аҳолиси Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларини яхши билади. Қадимий Мовароуннаҳрнинг сеҳрли олами, бой тарихи ва анъаналари барчани мафтун этиши табиий.

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида Ригада бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Латвияда биргаликда бизнес юритиш имкониятлари, ҳамкорликнинг янги йўналишлари, Латвия логистика тармоқларидан Ўзбекистоннинг фойдаланишини кенгайтириш, Ўзбекистондан Латвияга озиқ-овқат саноати маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмларини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Ишбилармон доираларнинг бевосита алоқалари мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу, хусусан, Болтиқбўйи бозорларини Европа Иттифоқининг барча талабларига жавоб берадиган аъло сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Маълумки, бугунги кунда Латвияда сотилаётган Ўзбекистон маҳсулотлари кўп ҳолларда бевосита эмас, учинчи мамлакатлар орқали келтирилади. Бу уларнинг нархига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир. Аслида, Ўзбекистон ўз озиқ-овқат товарларини нафақат Болтиқбўйи бозорларига, балки қуритилган мева ва полиз маҳсулотларини савдо флотига ҳам етказиб бериши мумкин. Бу, албатта, ишбилармон доираларнинг вазифаси. Томонлар икки мамлакат тадбиркорларини мазкур йўналишда иш олиб боришга жалб этишга келишиб олдилар. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар мавжуд. Энди гап тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишда.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳрида машҳур аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг, 2006 йилда улкан мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ҳайкали ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, буюк аждодларимизга ва бой меросимизга юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалдаги яққол ифодаси бўлди.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Бадиий ва фото кўргазмалар, кино декадалари, концертлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Хусусан, Латвия санъаткорлари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Бугунги кунда Ўзбекистон Латвияда ўқиётган хорижлик талабалар сони бўйича бешинчи ўринда туради. Латвияда қарийб 200 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Латвия Республикаси Президентининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Сеймига ташриф буюриб, Спикер Солвита Аболтиня билан музокаралар ўтказди. Давлатимиз раҳбари Латвия парламенти фаолияти билан танишди. Суҳбат жараёнида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Бош вазири Валдис Домбровскис билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш ҳамроҳлигида Озодлик монументи пойига гул қўйиб, Латвия озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорлик ривожига янада жадал суръат бахш этиши ва уни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Рига — Тошкент

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 680 минг тонна ўзбек толаси ҳамда умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича шартномалар имзоланди. Бу эса, мазкур тадбир, кутилганидек, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хорижий харидорлар ўртасида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилганини кўрсатади.

Тенг имконият, қулай шароит

иқтисодий ҳамкорлар кўпайиши, ўзбек пахта ва тўқимачилик саноати довруғи дунё узра янада кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган навбатдаги Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўзбек толасининг экспорт қилиш бозор механизмларини янада ривожлантиришда муҳим восита бўлди.

Бинобарин, унга дунёнинг 40 та давлатидан ташриф буюрган пахта ва тўқимачилик саноати корхоналари, йирик савдо компаниялари вакиллари ва трейдерларининг бирортаси қуруқ қўл билан қайтгани йўқ: улар юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини боғлашга муваффақ бўлдилар. Аслида бу жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчисига айланган Ўзбекистонда оқилона экспорт сиёсати юритилаётгани, барча харидорларга тенг имконият яратилиб, сифатли хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича ўзига хос қулай тизим мавжуд эканлигининг ёрқин самарасидир.

Дарҳақиқат, "Ўзмарказимпекс", "Ўзинтеримпекс" ва "Ўзпроммашимпекс" давлат ташқи савдо компаниялари замонавий ва самарали савдо усулларини қўллаш орқали ўз маркетинг стратегиясини амалга ошираётгани ҳамкорларга ҳар томонлама манзур бўлаётир. Бир мисол. Доимий стратегик ҳамкорларга эга ушбу ташқи савдо компаниялари ўзбек толасини бутун пахта мавсуми давомида бир маромда етказиб бериш имкониятига эгадир.

Ярмарка иштирокчилари бунга тадбир давомида яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Сенати Президенти Тан Сри Абу Захар Ужанг раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари 17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Изчил тараққий этаётган Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари икки давлатнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, ўзаро амалий ҳамкорликнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси парламенти делегациясининг Малайзияга ташрифи икки мамлакат парламентлари ҳамкорлигига янги суръат бахш этди.

Музокарада икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларга доир масалалар юзасидан атроф-лича фикр алмашилди. Парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш, қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Тан Сри Абу Захар Ужанг. — Ўзбекистонда парламентаризм соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, қўлга киритилаётган ютуқларга хорижда қизиқиш катта. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш

республикамиз банк тизими фаолиятининг устувор йўналишларидир

ислоҳот

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қарор топтириш, мустаҳкам банк-молия тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бугунги кунда барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётгани эътиборга сазовор. Эл-юртга наф келтириш, саломатликни асраш, умуман, ҳар бир соҳа ва тизимдаги янгиланишлар давлатимиз раҳбарининг *«Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун!»* деган эзгу ғояси асосида ҳаётга татбиқ этилаётгани билан ҳам улуғвордир.

Бунга нафақат давлат сектори, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги барча юртдошларимиз учун республикамизда қулай ишбилармонлик муҳити яратиб берилгани ва бугунги кунга келиб, Ўзбекистон том маънода тадбиркор ва ишбилармонлар мамлакатига айланаётгани далил бўла олади.

(Давоми 3-бетда).

Тенг имконият, қулай шароит

иқтисодий ҳамкорлар кўпайиши, ўзбек пахта ва тўқимачилик саноати довруғи дунё узра янада кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистонга ўтган йили сайёҳ сифатида келган эдим, — дейди “Jiangxi Xiongda International Tred Co Ltd.” (Хитой) компаниясининг халқаро ҳамкорлик бўйича менежери Жиажинг Винг. — Ўшанда юртингизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини кўриб, бу соҳа ривожланиб бораётгани, айниқса, пахтачилик тармоғида кўп йиллик тажриба мавжуд эканига гувоҳ бўлганман. Шу боис биринчилардан бўлиб ярмаркада иштирок этиш истагини билдириб, яна меҳмондўст мамлакатингизга ташриф буюришга муяссар бўлдим. Табиийки, бу галги сафарим жуда самарали кечди. Ўзбек толаси савдоси бўйича шартномалар имзоладик. Биз бу билан кифояланиб қолмоқчи эмасмиз. Махсус индустриал зоналарда хорижлик инвесторларга яратиб берилган қулай шарт-шароит янги корхона очишга ундаяпти. Истиқболда калава ип ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш ниятида ўз юртимизга қайтаяпмиз.

Хорижлик инвесторлар ўз бизнесини мамлакатимиз билан боғлашга интилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон жаҳонда пахтачилик ва тўқимачилик тармоғи жадал ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб, бу ерда етиштирилган юқори сифатли пахта толаси ташқи ва ички бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўл келади. Анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси толамизни ҳеч бир воситачиларсиз, тўғридан-тўғри сотиб олиш имкониятини туғдиргани, айниқса, қувонарлидир.

Жаҳон пахта бозорининг бу йилги Тошкент форуми кундалиги ранг-баранглиги билан унга ташриф буюрган тўқимачилик саноати етакчи компанияларининг 1000 нафарга яқин трейдер ва вакилларида катта таассуротлар қолдирди, деб айтишга асосларимиз етарли. Нега деганда, тадбир қатнашчилари биржа савдолари билан чекланиб қолмасдан, долзарб мавзулардаги ялпи мажлис ва давра суҳбатларининг иштирокчиси сифатида жаҳон пахта бозоридаги бугунги вазиятни муҳокама қилиш, энг асосийси, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларида рўй бераётган янгиланишлар, ҳудудларнинг саноат салоҳияти билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам мушарраф бўлдилар.

Гап шундаки, IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари тадбир доирасида бевосита жойларда бўлиб, пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани харидорларга етказиб бериш хизмати, шунингдек, калава ип ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Шу аснода республикамизда хом ашё етиштириш, уни сифатли қайта ишлаш, маҳсулотни буюртмачиларга кафолатли равишда етказиб бериш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар беқиёс самаралар бераётганига амин бўлганликларини қайд этдилар.

Толамиз рақобатбардошлигининг ошишида, хусусан, қайта ишлаш корхоналарининг роли беқиёс. Зеро, хом ашёни ўз вақтида қабул қилиш, уни сақлаш, сифатли қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда пахта терминаллари орқали буюртмачиларга жўнатиш, шунингдек, ғўзанинг уруғлик фондини тайёрлаш каби ишлар “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги 98 та пахта тозалаш корхонаси томонидан амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда ушбу заводларда ишлаб чиқариш тубдан такомиллаштирилаётгани, айниқса, пахтачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани туфайли пахтадан, асосан, “олий” ва “яхши” синфига мансуб тола олишга муваффақ бўлинаяпти.

Меҳмонлар ташриф буюрган “Ўзбекистон” пахта тозалаш заводи — уюшма тизимидаги замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланган етакчи корхоналардан бири. Бу ерда модернизациялаш лойиҳалари доирасида энг замонавий пахта тозалаш, тола ажратиш ва уни тойлаш ускуналари ўрнатилиб, кунлик қайта ишлаш қуввати қарийб 180 тоннага етказилди.

Пахта йиғим-терими якунланаётган ҳозирги кунда Юқори Чирчиқ туманидаги фермер хўжаликлари билан тузилган шартномага кўра, янги пахта ҳосили қабул қилиб олиниб, қайта ишланаяпти. Мутахассисларнинг айтишича, бу йилги пахтанинг сифати юқорилиги туфайли рақобатбардош тола тайёрланаётир.

— Завод пахтани қайта ишлаш, тойлаш, айниқса, унинг сифати ва вазнини қатъий назорат қилиш имконини берувчи кўп тармоқли синов лабораторияси ускуналари билан жиҳозланганлиги, дунёнинг саноқли давлатларидагина жорий қилинган HVI кўрсаткичлари бўйича толани тойма-той сертификатлаш тизими қўлланилаётгани эътиборга моликдир, — дейди “Win Cot” (Бангладеш) компаниясининг бошқаруви директори Сардер Соҳел. — Шунинг учун юртингизда ишлаб чиқарилаётган толанинг сифати тобора яхшиланиб, жаҳон бозорида харидоргир бўлиб бораётир. Хусусан, Бангладешда ўзбек пахта толасига талаб ниҳоятда катта. Компаниямизнинг толага бўлган йиллик эҳтиёжининг 80 фоизи Ўзбекистон маҳсулоти эвазига қондирилаётганини айтиш кифоя.

Тола экспортининг ошишида логистика хизмати ҳам алоҳида аҳамиятга эгалиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги “Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори, айтиш мумкинки, шундай хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган йигирмадан зиёд пахта терминаллари фаолиятини янада кенгайтирди. Хусусан, “Тошкент-Тола” ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминали Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида етиштирилаётган пахта толасини, давлат ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ, маҳаллий ва хорижий харидорларга етказиб беришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу терминал омборлари бир вақтнинг ўзида 45 минг тонна ҳажмидаги пахта толасини сақлаш имкониятига эга. Умумий омборларнинг бир қисми эса эркин омбор тизимига ўтказилгани харидорлар учун янада қулайлик яратади. Сабаби, харидор олган хом ашё, унинг хоҳишига кўра, токи олиб кетилгунгача шу омборларда сақланиши таъминланади.

Шу билан бирга, терминалда амалга оширилаётган модернизациялаш тадбирлари натижасида харидорларга шу ернинг ўзида пахта хом ашёсини намойиш қилиш ва унга оид барча маълумотлар билан танишиш имкони берилаётгани ҳам диққатга сазовор. Ўзбекистон “Сифат” марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти каби хизматлар ҳам унинг ҳудудида мавжудлиги эса бу ишларни қисқа фурсатда амалга оширишда қўл келмоқда.

Пировардида “Тошкент-Тола” минтақавий пахта терминали ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йилларда харидорларга 75 минг тоннага яқин тола етказиб берилган бўлса, 2012 — 2013 йилларга келиб, бу кўрсаткич 160 минг тоннадан ошиб кетди. Хом ашёни юклаш, тушириш ва ташиш ишлари замонавий автоюклагичлар, шунингдек, ўнга яқин “Мерседес-Бенц” русумидаги автопоездлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси ярмарка иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Чет эллик меҳмонлар ташриф буюрган навбатдаги манзил пойтахтимиздаги “UZTEX Tashkent” тўқимачилик фабрикаси бўлди. Улар ушбу корхона мисолида Ўзбекистонда тўқимачилик саноатига татбиқ қилинаётган янгиликлар, пахта толасини чуқур қайта ишлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар билан таништирилди.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори тўқимачилик соҳаси тараққиётида ҳам янги даврни бошлаб берди, десак, хато бўлмайди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспортда тайёр ва яримтайёр тўқимачилик маҳсулотларининг улуши кўпайишида муҳим омил бўлаётир. Буни қуйидаги рақамлар ҳам ифодалаб турибди: ўтган асрнинг 90-йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган толанинг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги қувватларнинг ишга туширилиши, мавжудларининг замонавийлаштирилиши эвазига 2016 йилда толамизнинг 60 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланиб, четга тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ҳолида етказиб берилиши кутилаётгани диққатга сазовор.

Айни пайтда соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сони 2 минг 200 тадан зиёд бўлиб, уларнинг аксариятида тайёрланаётган эркаклар ва аёллар либослари, болалар ва спорт кийимларининг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Аниқроғи, экспорт кўрсаткичи мустақилликнинг дастлабки йилларидагига нисбатан 110 баробар ортди.

Мухтасар айтганда, икки кун давом этган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси саноатимизнинг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, мавқеини оширишга хизмат қилди. Зеро, мазкур нуфузли тадбир тола экспорти бўйича бозор механизмларини ривожлантириш, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хорижий харидорлар ўртасида иқтисодий алоқаларни янги босқичга кўтаришда нурли уфқларни очиб бераётгани айни ҳақиқатдир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сўз — ярмарка иштирокчиларига

«Жаҳон бозорида ўзбек толасининг ўз ўрни бор»

Пойтахтимизда IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси кўтаринки ҳамда ишчан руҳда ўтди. Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ташкил этилаётган мазкур тадбир бугунги кунга келиб, жаҳонда пахта бозори сиёсатини белгиловчи нуфузли тадбирлардан бирига айланиб улгургани барчамизга аён. Буни ўзбек толасини харид қилиш истагида анжуманга ташриф буюрган иштирокчиларнинг фикрлари ҳам яққол тасдиқлайди.

Курниасари КАХЯНИНГСИХ,
“Bina Sandang Cemerlang” компанияси директори (Индонезия):

— Жаҳон тўқимачилик саноатида табиий пахтадан тайёрланган кийим-кечак ёки мато алоҳида ажралиб туради. Бундай маҳсулот ишлаб чиқариш эса, табиийки, сифатли ва пишиқ хом ашёга боғлиқ. Юртингизда етиштирилаётган пахта толаси айнан шундай талабларга тўла мос келади. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этиб, бунга яна бир бор гувоҳ бўлдим. Анжуман давомида яратилган шарт-шароитлар туфайли пахтангиз навларини яратишдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён билан яқиндан танишдик. Хом ашё ва маҳсулотларни кўздан кечирдик. Айниқса, Ўзбекистонда пахта саноати корхоналарини модернизациялашга катта эътибор қаратилаётгани ҳавасимизни келтирди.

Хусусан, “Ўзбекистон” пахта тозалаш заводида ишчилар учун ҳам, ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш учун ҳам шарт-шароитлар етарли. Бу ерда замонавий технологияларни татбиқ қилиш орқали ишга янгича услубда ёндашилаётгани диққатга сазовордир. Айни шу омиллар, табиийки, пахта саноати тизими корхоналари ахволини тубдан яхшилаб, ўзбек толасининг жаҳон бозоридаги мавқеи кўтарилишига, унинг рақобатбардошлиги ва харидоргирлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Энг асосийси, ярмарка давомида пахта толаси сотиб олиш бўйича келишувга эришдик.

Невил БАРНС,
“BSC International” компанияси раҳбари (Буюк Британия):

— Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси жаҳон иқтисодиётидаги йирик воқеалардан биридир. Боиси, ўзига хос ушбу нуфузли форумда ишбилармонлару мутахассисларнинг икки томонлама манфаатли бўлган кўплаб шартномалар имзолаши анъанага айланган. Асосийси, бу ерда етиштирилган ниҳоятда сифатли пахта толаси ҳамда тайёрланган маҳсулотларни харид қилган тадбиркор ҳеч қачон кам бўлмайди. Мен ҳам ана шу имкониятни қўлдан бой бермаяпман. Нега деганда, компаниямиз сифатли қоғоз ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, бунда пахта целлюлозасидан фойдаланамиз. Ҳар йили юртингизда етиштирилган пахтадан тайёрланган иккиламчи маҳсулот сотиб олиш ҳажмини ошираётганимизнинг сабаби шунда.

Ольга ВИДМОНТЕ,
“Hanza kugu ag.” компанияси вакили (Латвия):

— Ўзбекистон жадал равнақ топаётган мамлакат эканлигидан яхши хабардорман. Мазкур ярмарка ҳам мамлакатингизнинг бу борадаги имкониятларини дунёга танитувчи ўзига хос платформадир. Унда иштирок этиш истагини билдираётганлар сони нафақат бизнинг юртимиз, балки бутун жаҳонда кўпайиб бораётгани бунга далил бўла олади. Булар қаторида тинчлик, тотувлик қарор топган, демак, барака ҳеч қачон аримайдиган юртда меҳмон бўлиш ҳар биримизга катта қувонч бағишлайди. Ана шундай кўтаринки кайфият, янги-янги режалар билан ярмарка ишида қатнашдик. Юртингиздаги мустаҳкам моддий-техник базага эга замонавий логистика ва терминал тизимлари фаолияти бизда катта қизиқиш уйғотди. Соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани ютуқларга асос бўлмоқда. Буларнинг барчаси етиштирилган хом ашё ёки яримтайёр маҳсулот харидорлари учун айни муддаодир. Биз ҳам логистика тармоғида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

«Халқ сўзи» мухбирлари
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Саиджон МАХСУМОВ,
ёзиб олди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари Шанхай кўргазмасида

Яқинда Ўзбекистоннинг кимё саноатига ихтисослаштирилган ўн бешта корхонаси Хитой Савдо-саноат палатасининг Кимё кичик қўмитаси ҳамда ХХР Миллий кимё ахборотлари маркази томонидан Шанхайда ташкил этилган XII Халқаро кимё саноати кўргазмасида қатнашди.

АНЖУМАН

Мазкур халқаро тадбирда нефтни қайта ишлаш, маиший кимё, агрокимё, янги технология ва материалларни ишлаб чиқиш, тиббиёт кимёси, кимё саноати учун асбоб-ускуналар, ноорганик кимёвий маҳсулотлар, резина ҳамда техника буюмлари, бўёқлар, озиқ-овқат ва ем-хашакка қўшиладиган моддалар ишлаб чиқариш сингари соҳаларга ихтисослаштирилган компанияларнинг маҳсулот ва хизматлари намойиш қилинди.

Ўзбекистон экспозициясидан замонавий, экспортга йўналтирилган яримтайёр маҳсулотлар ҳамда ўғитлар намуналари жой олди. Юртимиз кимё саноати корхоналари томонидан таклиф этилган калий ўғитлари, ўткир сода ва бошқа кимёвий компонентлар хорижий мамлакатлар фирмаларининг вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиши билан бир қаторда, юртимиз кимё саноати корхоналарининг Хитойнинг замонавий мўъжаз асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишига ҳам эришилди.

Хусусан, Чжэцзян провинциясининг Нинбо шаҳри ишбилармонлари томонидан мамлакатимизда халқаро андозаларга жавоб берадиган, 500 килограммдан 1000 килограммгача бўлган маҳсулотларни қадоқлашга мўлжалланган “Big Bag” стандартидаги пакетларни ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қизиқиш билдирилди. Музокаралар чоғида бу лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистондан Европага ҳамда Яқин Шарқ давлатларига товарлар экспортини ошириш имконини бериши эътироф этилди. Шунингдек, Деҳқонободда пластмасса идишлар тайёрланишини йўлга қўйиш ва ғишт заводи қурилиши масалалари ҳам муҳокама қилинди.

“Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси вакиллари хитойлик шериклари билан тўқимачилик саноати учун табиий терилар, эластик иплар ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича музокаралар олиб бордилар.

Хитой Нефть ва кимё саноати федерацияси раиси Ли Енгву қайд этганидек, минерал хом ашё жабҳасида улкан салоҳият, юксак малакали мутахассислар ва жозибали сармоявий муҳитга эга бўлган Ўзбекистон Хитойнинг кимё саноатига ихтисослаштирилган компанияларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

— ХХР раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга буюрган илк давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой ўртасида 2012 йили ўрнатилган стратегик шериклик муносабатларининг ривожланишига янгича мазмун бағишлагани ҳолда, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада мустаҳкамлади, — деди у, жумладан.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида яратилган қулай имкониятлар ҳақидаги маълумотларни ҳам ўртоқлашдилар. Айниқса, Хитой корхоналари вакиллари Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва енгилликлар ҳақидаги маълумотларга катта қизиқиш билдирдилар.

«Жаҳон» АА.
Шанхай

ИНТИЛИШ

Наманган шаҳрида саноат ва қурилиш соҳаси учун зарур ашё — электрод ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида

Хорижий ҳамкорлар кўмагида амалга оширилган мазкур лойиҳа асосида ташкил этилган “China Namangan Indastry” қўшма корхонасида тайёрланаётган электродлар ҳозиргача импорт қилинган шу турдаги маҳсулот билан бемалол рақобатлаша олади. Замонавий технологияни ишга тушириш учун таъсисчилар томонидан 210 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди. Ҳозир бу ерда кунига 6-7 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

— Биз ишлаб чиқараётган электродлар доимий ва ўзгарувчан электр қуввати учун мўлжалланган бўлиб, ундан кучланиш паст бўлган жойларда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин, — дейди корхона раҳбари Акмалхон Қаюмов. — Келгусида маҳсулотларимизни экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш

республикамиз банк тизими фаолиятининг устувор йўналишларидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратиш борасида изчил ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қонунчилик базаси эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилдан-йилга ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида банк тизимида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун узоққа бормай, охирги йилларда амалга оширилаётган ўзгаришларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя. Хусусан, *2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари Дастурига* мувофиқ, молия-банк тизими қонунчилик базаси янада такомиллаштирилди.

Маълумки, 2012 йилнинг декабрида миллий ва хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган *«Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги* Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Натижада хусусий банк ва молия институтлари тармоғини янада кенгайтириш, уларга шахсий капитални жалб қилиш қўламларини ошириш, шунингдек, мазкур институтларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари мустаҳкамланди.

2012 йилнинг 1 январидан кучга кирган *«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги* Қонун эса банк тизимида кредит таваккалчилигини камайтириш ва кредит ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муҳим кафолати сифатида нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлди. Чунки мазкур Қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 7 та Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Марказий банк кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига Кредит ахборотининг давлат реестри мақоми берилди, кредит ахбороти алмашинувини таъминлайдиган *«Кредит-ахборот таҳлилий маркази»* кредит бюроси фаолият юрита бошлади.

Таъкидлаш жоизки, кредит бюросининг ташкил этилиши кредит бозорида масъулиятли ва лаёқатли қарз олувчилар қатламининг шаклланиши ва кредитлаш жараёнидаги шаффофликни оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятга моликдир.

Юқорида қайд этилган дастурда молия-банк тизими инфратузилмасини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим институти — гаров реестри тизимини шакллантириш вазифаси ҳам қўйилган эди. Шундан келиб чиқиб, 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг *«Гаров реестри тўғрисида»ги* қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда маълумотларнинг ягона базасини шакллантириш орқали мажбуриятлар бўйича таъминот реестрини яратиш, қарздорлар, таъминот эгалари ҳамда кредиторларнинг, шунингдек, реестр юритувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, молиявий хизматлар бозорида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва рақобатни кучайтириш ҳамда жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Шу ўринда қишлоқ жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилаётганини ҳам қайд этиш лозим. Негаки, тадбиркорликнинг мазкур ўзига хос йўналишидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида 2012 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган *«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун* кўплаб оилаларни хусусий бизнес, тадбиркорликка жалб этиш, қадимий халқ ҳунармандчилигини ҳар томонлама ривожлантириш учун шароит яратиш, уларнинг бу соҳада эгаллаб турган ўрни ва салоҳиятини оширишга хизмат қилаяпти.

Бу борада Марказий банк томонидан Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида *«Бандлик даражаси — банклар эътиборида» мавзуида* семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, чекка туманлардаги маҳалла фаоллари, тадбиркор аёллар, ёшлар иштирокида ушбу Қонун мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишда яқиндан амалий ёрдам берилмоқда.

Тижорат банклари томонидан шу йилнинг 9 ойи давомида *110 млрд. сўмлик*дан зиёд кредитлар айнан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига ажратилган бўлса, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастурига мувофиқ, *2418 та* лойиҳага *623,7 млрд.*, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳудудий дастурга кўра, *1530 та* лойиҳага *193,3 млрд. сўм,* шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун *603,7 млрд. сўмлик* кредитлар ажратилгани аҳолини иш билан таъминлаш баробарида, тадбиркорлик тараққиётига ҳам ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ, банк фаолиятининг меъёрий базасига республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, мижозларга банк хизматларини кўрсатиш шартлари ва тартиб-таомиллари, кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш бўйича нормалар киритилгани ҳам эътиборга моликдир.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 11 мартда қабул қилинган *"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги* қарорига кўра, тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган тоғли туманларда, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратилиши белгилаб қўйилгани ҳудудларимизнинг янада обод бўлиши, жойларда кўплаб иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлаяпти.

Ушбу муҳим ҳужжатга асосан, жамғарма кредитлари ҳисобидан олинадиган даромадлар 2011 йил 1 апрелдан 2016 йил 1 январгача фойда солиғидан озод қилингани эса тижорат банклари учун яна бир имкониятдир.

Бу, бир томондан, жамғарма сармоясини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан, олис ва бориш қийин бўлган туманлар, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга ҳудудларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат ва сервис соҳасини янада ривожлантириш учун катта қулайлик яратади, албатта.

Шунингдек, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида *37,7 млрд.* сўмликдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу жараёнда юқори технология ва инновацион лойиҳаларни, ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Юртбошимизнинг *«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги* Фармонига мувофиқ эса, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни банклар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши юзасидан банкнинг меъёрий ҳужжатларига қатор ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектлари мурожаатларини уч иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиш, тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундиришнинг бекор қилиниши ва банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумининг мустақил топширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар ва хизматлар учун корпоратив пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чекларининг бухгалтерлик бирламчи ҳужжатларига тенглаштирилиши мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг *«Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги* Президентимизнинг Ўзбекистон *Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармонига* асосан эса, тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар бошқарадиган корхоналарга молиявий кўмак бериш масаласи ҳам диққат-эътиборда турибди. Натижада ўтган 10 йил давомида республикамизда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини кредитлаш ҳажми *32 баробар*дан зиёд ўсди. Аниқроғи, мазкур Фармон қабул қилингандан буён тижорат банклари томонидан ушбу йўналиш учун *1 трлн. 900 млрд. сўм*дан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида эса *500 млрд. сўм* миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда чет эллик ҳамкорлар билан самарали алоқалар йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Халқ банки ва "Микрокредитбанк" томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Омонат кассалари жамғармаси билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ушбу жамғарма маблағлари эвазига мазкур банкларда Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш жамғармаси шакллантирилди.

Ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан Халқ банки томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоятларида, «Микрокредитбанк» томонидан Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2012 — 2013 йиллар мобайнида *470 минг евро*дан зиёд микрокредитлар ажратилганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, аввламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида банк тизимида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини кредитлаш ҳажмларини янада ошириш борасида комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, амалиётга жорий этиб келинмоқда. Жумладан, 2010 — 2012 йилларда ушбу йўналишга қарийб *100,0 млрд. сўм* миқдорида кредит берилган бўлса, шу йилнинг 9 ойи мобайнида 2012 йилнинг мос давридагига нисбатан *2,8* баробар кўп, яъни *108,2* млрд. сўм маблағ ажратилди.

Мазкур йўналишда Марказий банк тавсияси асосида тижорат банкларида коллеж битирувчиси микрокредит олиш учун таъминот етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошлари — ота-онаси, акаси, опасининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий этилгани ҳам айни муддао бўлди.

Қолаверса, мамлакатимизда *ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини* яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар туфайли кейинги 10 йил мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнесни кредитлаш ҳажми 20 баробардан зиёд ўсиб, ўнлаб янги банк хизмати турлари жорий этилди. Охирги 7 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажмининг ўртача 1,3 баробардан кам бўлмаган миқдорда ўсиши эса мунтазам таъминланмоқда.

Биргина жорий йилнинг 9 ойида банклар томонидан ушбу йўналишга ажратилган кредитлар ҳажми *1 трлн. 430 млрд.* сўмга ёки *34,1 фоиз*га ошиб, *5 трлн. 607 млрд.* сўмни ташкил этди. Яъни ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 1,3 баробардан 2 баробаргача оширишга эришилди.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислом тараққиёт банки, Араб давлатларини мувофиқлаштириш гуруҳи, Жанубий Корея, Германия ҳукуматлари ва бошқа молия ташкилотлари томонидан ҳам шу йилнинг 9 ойида *116 млн. АҚШ доллари* миқдоридаги маблағ бевосита тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларига йўналтирилди. Сўнгги 5 йил давомида эса бу кўрсаткич *500 млн. АҚШ* долларини ташкил этди.

Мухтасар айтганда, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, даромадларини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Азамат ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Икки йиллик пасайишдан сўнг жорий йилнинг август ойига келиб, Европада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ижобий томонга силжиш кузатилди.

Ижобий томонга ўзгармоқда

"Евроньюс" телеканали хабарига қараганда, ушбу давр да бир фоизлик ўсиш қайд этилган. Мазкур натижа эълон қилиниши билан айрим таҳлилчилар "кўҳна қитъа"да молиявий-иқтисодий инқирознинг оғир асоратлари ортда қолди, деган фикрларни илгари сура бошладилар.

Савдода ўсиш

Сентябрь ойида Испанияда автомобиллар савдоси 5 фоизга ўсди, дейилади "The Financial Times" нашри хабарида.

Аммо ўтган йилнинг шу давридаги ҳолат билан таққосланса, бу галги натижа 3,9 фоизга пастроқ. Қитъа миқёсида эса энг кўп машина Буюк Британияда сотилди. Яъни мазкур давлатда 12,1 фоизлик ўсишга эришилди.

Умумий ҳисобда Европада автоуловлар савдоси ўртача 5,4 фоизга кўпайган.

Авиаҳалокат юз берди

Лаоснинг "Lao Airlines" авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти Паксе шаҳридаги аэропортга қўниш арафасида ҳалокатга учради.

Бу ҳақда "AFP" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фожиа оқибатида ҳаво лайнери бортида бўлганларнинг барчаси — 11 давлат (Австралия, Лаос, Франция, АҚШ, Таиланд, Хитой, Жанубий Корея, Канада, Вьетнам, Мьянма, Тайван)нинг 44 нафар фуқароси ҳамда беш нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари ҳақида расмий баёнот берилганича йўқ. Аммо турли тахминлар илгари сурилмоқда. Уларнинг асосий қисми ноқулай об-ҳаво шароити билан боғлиқ. Чунки воқеа рўй берган вақтда Паксе шаҳрида ҳаво булутли бўлиб, кучли шамол эсаётган ҳамда ёмғир ёғаётганди.

Эҳтиёт бўлинг, пластмасса!

Пластмасса идишлардан кўп фойдаланиш ҳомила тушиши хавфини оширар экан.

Бу ҳақда репродуктив тиббиёт бўйича Америка жамиятининг йиллик конференциясида маълум қилинди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бундай буюмларнинг таркибида бисфенол А моддаси кўп учрайди. Айнан ушбу кимёвий элементнинг қонга тушиши ҳомиладан айрилишни ғайриихтиёрий равишда тезлаштириб юборади.

Ҳомиласи нобуд бўлган юз нафарга яқин аёл устида ўтказилган тадқиқотда ҳам бу ўз исботини топган.

Қидирув-қутқарув давом этмоқда

15 октябрь куни Филиппинда рўй берган 7,2 балли зилзила натижасида қурбон бўлганлар сони 156 кишига етди.

Шунингдек, 374 нафар одам жароҳатланган, 22 киши эса бедарак йўқолган. Бу кеча мамлакат ҳукумати томонидан билдирилган расмий маълумотдир. Кўплаб тураржой бинолари, тарихий иншоотлар, йўллар, кўприклар вайронага айланган. Зилзиладан, айниқса, Бохоль, Себу ҳамда Сикихор ороллари жиддий зарар кўрган. Айни пайтда фавқулодда ҳолат юз берган жойларда қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, бу галги ер силкиниши мазкур давлат ҳудудида сўнгги йигирма йил ичида қайд этилганлари орасида энг кучлиси бўлди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

IPOTEKA BANK

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

«Имконият» муддатли ютуқли омонати бўйича 2013 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ютуқ миқдори (сўм)	Ҳудуд номи	Банк филиали номи	Жамғарма касса рақами	Омонатчи ҳисобварағи тартиб рақами
1.	4 219 067,61	Наманган вилояти	Наманган	№ 01	20606910-36
2.	2 109 533,81	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-42
3.	2 109 533,81	Бухоро вилояти	Бухоро	№ 05	20606910-3
4.	914 131,31	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-18
5.	914 131,31	Тошкент вилояти	Чирчиқ	№ 02	20606910-68
6.	914 131,31	Тошкент шаҳар	Миробод	№ 03	20606910-17
7.	914 131,31	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-168
8.	562 542,35	Тошкент вилояти	Бекобод	№ 10	20606910-2
9.	562 542,35	Қашқадарё вилояти	Шаҳрисабз	№ 01	20606910-2
10.	562 542,35	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-204
11.	562 542,35	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-117
12.	562 542,35	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-111
13.	562 542,35	Тошкент шаҳар	Яккасарой	№ 01	20606910-11
14.	401 815,96	Тошкент шаҳар	Меҳнат	№ 20	20606910-36
15.	401 815,96	Тошкент вилояти	Чирчиқ	№ 02	20606910-35
16.	401 815,96	Тошкент шаҳар	Яккасарой	№ 01	20606910-18
17.	401 815,96	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-104
18.	401 815,96	Наманган вилояти	Наманган	№ 01	20606910-39
19.	401 815,96	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-149
20.	401 815,96	Тошкент шаҳар	Меҳнат	№ 08	20606910-3
21.	316 430,07	Бухоро вилояти	Бухоро	№ 05	20606910-64
22.	316 430,07	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-55
23.	316 430,07	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-138
24.	316 430,07	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-128
25.	316 430,07	Тошкент шаҳар	Меҳнат	№ 20	20606910-66
26.	316 430,07	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-214
27.	316 430,07	Қорақалпоғистон	Қорақалпоғистон	№ 07	20606910-3
28.	316 430,07	Тошкент шаҳар	Ҳамза	№ 06	20606910-2
29.	250 018,83	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-99
30.	250 018,83	Тошкент шаҳар	Шайхонтоҳур	№ 03	20606910-13
31.	250 018,83	Жиззах вилояти	Жиззах	№ 05	20606910-10
32.	250 018,83	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-43
33.	250 018,83	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-247
34.	250 018,83	Тошкент вилояти	Олмалиқ	№ 01	20606910-6
35.	250 018,83	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-82
36.	250 018,83	Навоий вилояти	Навоий	№ 01	20606910-1
37.	250 018,83	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-24
38.	196 889,82	Тошкент шаҳар	Миробод	№ 03	20606910-9
39.	196 889,82	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-114
40.	196 889,82	Андижон вилояти	Андижон	№ 01	20606910-3
41.	196 889,82	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-3
42.	196 889,82	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-14
43.	196 889,82	Тошкент вилояти	Олмалиқ	№ 03	20606910-2
44.	196 889,82	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-107
45.	196 889,82	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-282
46.	196 889,82	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-5
47.	196 889,82	Тошкент шаҳар	Меҳнат	№ 20	20606910-31
48.	153 420,64	Тошкент вилояти	Олмалиқ	№ 05	20606910-7
49.	153 420,64	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-11
50.	153 420,64	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-88
51.	153 420,64	Тошкент вилояти	Бекобод	№ 01	20606910-8
52.	153 420,64	Самарқанд вилояти	Кўксарой	№ 01	20606910-5
53.	153 420,64	Тошкент вилояти	Чирчиқ	№ 02	20606910-25
54.	153 420,64	Тошкент шаҳар	Чилонзор	№ 01	20606910-3
55.	153 420,64	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-105
56.	153 420,64	Тошкент шаҳар	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-273
57.	153 420,64	Самарқанд вилояти	Самарқанд	№ 01	20606910-124
58.	153 420,64	Тошкент вилояти	Чирчиқ	№ 02	20606910-16
59.	117 196,32	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 04	20606910-1
60.	117 196,32	Тошкент шаҳар	Шайхонтоҳур	№ 03	20606910-42
61.	117 196,32	Бухоро вилояти	Сардор	№ 01	20606910-8
62.	117 196,32	Тошкент вилояти	Олмалиқ	№ 16	20606910-2
63.	117 196,32	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-66
64.	117 196,32	Тошкент шаҳар	Миробод	№ 03	20606910-11
65.	117 196,32	Тошкент вилояти	Олмалиқ	№ 14	20606910-1
66.	117 196,32	Тошкент вилояти	Оҳангарон	№ 03	20606910-11
67.	117 196,32	Навоий вилояти	Навоий	№ 06	20606910-25
68.	117 196,32	Тошкент шаҳар	Шайхантоҳур	№ 03	20606910-9
69.	117 196,32	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-70
70.	117 196,32	Тошкент вилояти	Амалиёт бошқармаси	№ 01	20606910-8

* ***Изоҳ:*** «Имконият» муддатли ютуқли омонат бўйича ютуқ соҳиблари ютуқларини олишлари учун «Ипотека-банк»нинг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда олишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-89-17, 150-89-57.

Хизматлар лицензияланган

17944/1000

● Эълонлар ●

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги

ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги соҳалар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилади:

05.23.09 Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 1 ўрин.

06.01.02 Мелиорация ва суғорма деҳқончилик — 1 ўрин.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
100187, Тошкент шаҳри, Қорасув мавзеси-4, 11-уй.

Телефон: (+998 71) 265-05-51.

1755A/936

САНОАТ КОРХОНАСИ

4 — 6 разрядли —
электромонтажчиларни,
4 — 6 разрядли —
электрикларни.

доимий ишга таклиф қилади.

- **Иш ҳақи — 2 млн. сўмдан юқори.**
- **Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.**
- **Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.**

Мулоқот учун телефонлар:
(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.

1751A/996

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекциясининг жамоаси инспекция бошлиғи ўринбосари Ариф Юнусовга падари бузруквори

НАРЗУЛЛА отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zbekiston" телерадиоканали жамоаси "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти мухбир-репортёри Нодира Турсуновага волидаи муҳтарамаси

САПИЯ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси "Фарғонагўштсутсавдо" ОАЖ бош бухгалтери

Акромжон ХОДЖИМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

БУГУН — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон, гўзал ҳамда бетакрор Самарқанд шаҳрига “Шарқнинг гавҳари” дея таъриф берилиши бежиз эмас.

Бинобарин, бу азим шаҳарда истиқлол йилларида кўплаб улуғ аждодларимизнинг хоки поклари қўним топган жойлар қайтадан тикланиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Уларнинг таваллуд саналари дунё миқёсида кенг нишонланди. Жумладан, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқандда Соҳибқиронинг муаззам ҳайкали қад ростлади.

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ, КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ

Шу йили Президентимиз Самарқанд шаҳрига “Амир Темур” орденини топширди. Ўшанда Соҳибқирон ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида Юртбошимиз 18 октябрни “Самарқанд шаҳри куни” деб эълон қилишни таклиф этди. Мана, орадан 17 йил ўтаяпти. Ҳар йили бу сана юртимизда Самарқанд шаҳри куни сифатида кенг нишонланади.

Абадиятга дахлдор муаззам манзил мустақиллик шарофати ила янада кўркам, гўзал, бетакрор қиёфа касб этаяпти. Ҳар йили янгидан-янги биноолар, кўркам иншоотлар қад ростлаб, ўтмиши ва бугуни уйғунлашган мафтункор ошёнга айланиб бормоқда.

Атиги уч-тўрт йил ичида тубдан ўзгарган, замонавий қиёфа касб этган темир йўл вокзали, автошоҳбекат, халқаро андозаларга мос аэропорт, кенг ва равон кўчалар, йўл ёқаларидаги анвойи гуллар, сўлим ҳамда гўзал хиёбонлар, Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Даҳбед, Беруний кўчаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари — барча-барчаси бугунги Самарқандни янада жозибали кўрсатади.

“Йўлбарслар хиёбони”га ташриф буюрсангиз, бу ердаги турли манзарали дарахтлар ва анвойи гулларни кўриб, баҳридилингиз яйрайди. Айниқса, мусиқали фавворалар кексаю ёшни ўз атрофига чорлаши билан ҳайратомуздир.

Мустақиллик йилларида таъмирланиб, янги қиёфа касб этган Улуғбек расадхонаси ва музейи, Шоҳи Зинда зиёратгоҳ мажмуи, Абу Мансур Мотуридий, Регистон майдони, Руҳобод, Амир Темур мақбараси ва хиёбони, “Сиёб” деҳқон бозори, Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи, “Сўғдиёна” ҳамда “Ёшлик” боғлари юртдошларимизу хорижлик меҳмонларнинг эътиборини тортиши, шубҳасиз.

Италиядан келган сайёҳ Роллеро Кетирина ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

— Юртингизнинг мўътадил ва сўлим табиати менга жуда манзур бўлди. Меҳмондўст ва кўнгли очиқ одамлари ҳақида ҳар қанча гапирсам ҳам оз. Уларнинг самимий муносабатлари туфайли ўзимни эркин ҳис қилаяпман. Самарқандга келганимда жуда кўп сайёҳларни кўрдим. Мана шундай осойишта, бетакрор, тарихий обидалар ва ўзига хос замонавий биноларга бой мамлакатингизга ҳали яна бир неча марта келишни дилимга тугиб қўйдим. Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда, Регистон ансамблларини зиёрат қилиб, кишини ўзига ром этадиган қандайдир сеҳр борлигини туйдим.

— Кўп йиллардан буён Самарқандга келишни орзу қилиб юрардим, — дея суҳбатимизга қўшилди голландиялик Ёхум Клайбах исмли сайёҳ. — Ана шу мақсадим амалга ошганидан бениҳоя хурсандман. Тарихий обидалар, уларга ҳамоҳанг тарзда барпо этилган бино ва иншоотлар менда катта таассурот қолдирди. Кўчалар тоза ва ораста. Самарқанд шаҳрида сайр қилиш кишига ором ва ҳузур бағишлайди.

Самарқанд шаҳри ҳақида гап кетганда, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” мусиқий фестивали ҳақида таъкидлаш ўринлидир. Ўзбек санъати довруғини дунёга таратган, ўз навбатида, жаҳон халқлари санъатининг ноёб намуналаридан юртдошларимиз баҳра олишга сабаб бўлган бу фестиваль кейинги йилларда Самарқанд шаҳрининг шон-шуҳратини янада ошириб юборди. Бундан икки йил аввал мазкур фестивалда “Феличита” (Бахт) қўшиғини куйлаган италиялик дунёга машҳур хонанда Аль Бано Карризи “Самарқандни севиб қолдим. Самарқанд менинг ҳам Ватаним!” дея меҳрли сўзларини билдириб, тупроғимизни ўпганди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий” Самарқанд шаҳри йил сайин янада сайқал топиб гўзаллашиб бормоқда. Саноат корхоналари, қўшма корхоналар кўпаймоқда. Кичик бизнес, савдо-сотиқ ривожланаяпти, ҳунармандларнинг асарлари дунёга танилаяпти, иш ўринлари яратилаяпти. Одамлар эса фаровон, бахтли ҳаёт кечиришаяпти.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Юксак эҳтиром ифодаси

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Музейларни ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприкка менгзашади. Негаки, музейларда сақланаётган осориатиқалар олис ўтмишдан гувоҳлик беради, юрт тарихидан сўзлайди. Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи фаолияти ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.

ИФТИХОР

Президентимиз қарори асосида бунёд этилган ушбу муассасада ўтган йиллар давомида кўпгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, Амир Темур ва темурийлар тарихи билан боғлиқ анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, кўргазмалар ташкил этилаяпти. Бугун музейга ташриф буюраётган ёшу қари, фахрий меҳмонлар хотиралар дафтарига Амир Темурга бўлган ҳурматларини баён этувчи қалб сўзларини ёзиб қолдирмоқдалар.

Биласиз, Амир Темурнинг замондошлари, аждодлари у ҳақда рисолалар ёзишган. Хусусан, Ғиёсиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий каби тарихчилар унинг суҳбатида бўлишиб, олиб борган жанглари, рақибига қарши қўллаган усуллари ҳамда ул зотнинг хулқ-атвори, ақл-заковати ҳақида қимматли маълумотлар қолдиришган.

Амир Темур билан ҳамсуҳбат бўлиб, бир неча йил унинг хизматида юрган тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам ўзининг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” номли асар ёзган. Унинг таърифича, Амир Темур узун бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, оёқ-қўллари бақувват, бармоқлари йўғон, қадди-қомати камолга етган, серсоқол, йўғон овозли, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди. У бехато фикрли, ажойиб фаросатли, улуғворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали, тафаккур денгизининг қаъри йўқ, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй ва яна қатор-қатор хислатларга эга эди.

Амир Темурга берилган бундай таърифларни ўқиганда ҳаяжонланамиз. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек “... Улуғ бобомиз Амир Темур сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янгидан-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди”.

Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Амир Темур сиймоси нафақат бизда, балки хорижий давлатларда ҳам улуғланмоқда, у ҳақда қатор-қатор тарихий рисолалар ёзилмоқда, фильмлар яратилмоқда, илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Унинг хотираси учун Тошкентда шарқона кўринишда музей қурилиб, ноёб экспонатлар билан бойитилди. Юртбошимиз ғамхўрлиги туфайли яқинда Темурийлар тарихи давлат музейининг капитал таъмирдан чиқарилиши ва экспозициясининг янгитдан тартибга келтирилиши ушбу маънавият масканига ўзгача жозиба ва кўриниш бахш этди. Бу ишларни бажаришда республикамизнинг ўнлаб етук мутахассислари ва музей ходимлари фаол қатнашишди.

Хулоса ўрнида айтганда, Амир Темур ва темурийлар тарихининг янги-янги қирраларини ўрганиш ва келгусида ҳали бизга номаълум сир-асрорларини аниқлаш асосий вазифаларимиздан биридир.

Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи директори.

Фарзандлар саломатлиги эътиборда

“Sen Yolg‘iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

ҒАМХЎРЛИК

Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникасида жорий йилнинг 20 октябрига қадар давом этадиган “Саломатлик кунлари” доирасида 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 2500 нафар ўғил-қиз педиатр, жарроҳ, отоларинголог, офтальмолог, стоматолог, болалар гинекологи, ортопед-травматолог, эндокринолог ва бошқа мутахассислар томонидан тўлиқ текширувдан ўтказилади.

Дилноза СОБИРОВА.

ҚУЛАЙЛИК

Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири саналган Олот туманида “Ягона ойна” тамойили асосида ишловчи савдо офиси ишга туширилди.

«Ягона ойна»дан — туркум хизматлар

Бу ерда ҳудуд аҳли симли алоқа, интернет, интерфаол телевидение — IPTV хизматларига уланиши, тўловларни амалга ошириши мумкин. Мижозларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжлари замонавий технологиялар воситасида, қисқа муддат ичида таъминланади. Муҳими, улар сифатли алоқа хизматидан баҳраманд бўлишади.

Айтиш керакки, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Бухоро филиали томонидан вилоятнинг бир қатор шаҳар ва туманларида шундай офислар ташкил этилиб, аҳолига қулайлик яратилган.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Санъат мактаби фойдаланишга топширилди

Деҳқонобод туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби янги бинода иш бошлади.

ТУҲФА

Икки қаватли, замонавий иншоотда 250 ўринли концерт зали, хореография, рақс, оркестр, тасвирий санъат, маънавият хоналари ва бошқа бир қатор ўқув хоналари мавжуд бўлиб, бу ерда 120 нафар йигит-қиз санъат сирларидан пухта сабоқ олмоқда. Умумий қиймати 2 миллиард 400 миллион бўлган ушбу иншоот қисқа фурсатларда бунёд этилиб, санъатсевар ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Абдуқаюм БЕККАМОВ.

● Эълонлар ●

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ
Фарғона вилояти филиали
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2013 йил 14 ноябрь куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

● Бувайда тумани СИБ томонидан ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 20 февралдаги 1-78-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани ИИБда сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21033» русумли, давлат рақами 17 N 6017, ранги кўк.

Бошланғич баҳоси — 3 731 988 сўм.

● Ёзёвон тумани СИБ томонидан ЖИБ Ёзёвон тумани судининг 2012 йил 29 октябрдаги 1-191-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани ИИБ ЙХҲБ жарима майдонида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Tiсо» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 С 0125.

Бошланғич баҳоси — 19 890 046 сўм.

Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 13 августдаги 09/21055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳар «Шўрсув» КМК МЧЖда сақланаётган:

● 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, ранги яшил, давлат рақами 40 468 МАА.

Бошланғич баҳоси — 19 050 865 сўм.

● 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Tiсо» русумли, давлат рақами 40 470 МАА.

Бошланғич баҳоси — 10 076 819 сўм.

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 29 ноябрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг ўттиз фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

1757А/870

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот учун манзил: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома № 004059.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2014 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР ИНСТИТУТИГА:
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

05.00.00 — Техника фанлари:
05.20.03 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш — 1 ўрин
05.23.07 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши — 2 ўрин
05.23.16 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 1 ўрин, ТИМИ қошидаги ИСМИТИга тегишли
06.00.00 — Қишлоқ хўжалик фанлари:
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик (1 ўрин, техника фанлари бўйича)
08.00.00 — Иқтисод фанлари:
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти — 1 ўрин
13.00.00 — Педагогика фанлари:
13.00.08 — Касб-ҳунар таълими назарияси — 1 ўрин

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:
● ариза;
● маълумотнома;
● меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
● олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
● тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
● илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференция, семинар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
● талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатларининг нусхаси;
● етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
● Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА:
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

05.00.00 — Техника фанлари:
05.20.03 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш
05.23.07 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши
05.23.16 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси
06.00.00 — Қишлоқ хўжалик фанлари:
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик (техника фанлари бўйича)
08.00.00 — Иқтисод фанлари:
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
13.00.00 — Педагогика фанлари:
13.00.08 — Касб-ҳунар таълими назарияси

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:
● ариза;
● иш жойидан тавсифнома;
● маълумотнома;
● олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
● меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
● талабгорнинг илмий ва илмий тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатларининг нусхаси;
● илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади.

1752А/922

Манзил: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-09-46, 237-19-61.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 07.20 Топширилди — 07.30 1 2 3 4 5